В. И. РОМОНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ ФАРҲОД ДЎСТМУРОДОВИЧ

ЮҚОРИ ТАРТИБЛИ ХУСУСИЙ ҲОСИЛАЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН НОЛОКАЛ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ **бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

UDK: УДК 517.953.5

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В. И. РОМОНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ ФАРҲОД ДЎСТМУРОДОВИЧ

ЮҚОРИ ТАРТИБЛИ ХУСУСИЙ ҲОСИЛАЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН НОЛОКАЛ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2022.3.PhD/FM305 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва ингилиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (kengash.mathinst.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Юлдашев Турсун Камалдинович** физика-математика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Тахиров Жозил Останович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Қодирқулов Бахтиёр Жалилович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Хўжа Ахмад Яссавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университети (Қозоғистон)**

Диссертация ҳимояси В. И. Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «01» ноябрь соат 17:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9- уй. Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В. И. Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (146-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9- уй. Тел.: (+99871) 207-91-40.

Диссертация автореферати 2022-йил «14» октябр куни тарқатилди.
(2022-йил «14» октябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У. А. Розиқов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж. К. Адашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

А. А. Азамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда гидродинамика ва фильтрлаш жараёнлари моделларини тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Гидродинамиканинг фундаментал қонуниятларини кашф этиш бугунги кунда математик физиканинг классик ва ноклассик дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалари учун қўйилган тўғри ва тескари масалаларни ечишга олиб келинмоқда. Чизиқли ва ночизиқли дифференциал тенгламалар учун тескари ва нолокал чегаравий масалаларни ечиш астрономия, квант назарияси, геофизика, иссиқлик ўтказиш, математик биология ва бошқариш назарияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Халқаро миқёсда қараганда, интегралли шартлар билан берилган дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламаларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этиб, бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар интенсивлашиб бормоқда. Берилган параметрларнинг қийматларидан келиб чиққан ҳолда ечимларни қуриш, бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган тенгламаларнинг ечимларини ошкор кўринишларда топиш, тенгламалар квазичизиқли ёки ночизиқли бўлган ҳолларда эса уларни эквивалент тарзда ночизиқли интеграл тенгламага келтириш ва турли итерацион схемаларни қўллаш амалий жиҳатдан ўта муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўзгарувчилардан биттаси бўйича иккинчи, учинчи ва тўртинчи тартибли ва бошқа ўзгарувчилар бўйича жуфт тартибли хусусий ҳосилаларни ўз ичига олган дифференциал тенгламаларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бундай масалалар тадқиқотчидан алоҳида ёндашувни ва янгича мулоҳазалар юритишни кўпроқ талаб қилади. «Дифференциал тенгламалар ва математи физика, динамик системалар назарияси ва оптимал бошқариш» фанларининг устувор йўналишларида халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда математик физиканинг нолокал чегаравий масалаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекситон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасида таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори.

қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. В. А. Ильиннинг 1960 йилдаги машҳур мақоласидан кейин параболик ва гиперболик типдаги чизиқли дифференциал тенгламаларни ўрганишга бағишланган кўплаб илмий ишлар пайдо бўлди. Хусусан, Қ. Бойқузиевнинг илмий ишларида бузиладиган гиперболик ва параболик тенгламалар учун асосий аралаш масалалар ўрганилди. Ю. А. Дубинский ихтиёрий тартибли квазичизиқли ва параболик тенгламалар бўйича тадқиқотлар олиб борди. Н. А. Ионкин иссиқлик ўтказиш назариясида ноклассик чегаравий шартли масалаларни ўрганди.

Г. И. Чандировнинг докторлик диссертациясида ночизиқли гиперболик ва параболик тенгламалар учун қўйилган аралаш масалани ечишга Фурье қаторлари усулини қўлланилиши асослаб берилди. Қ. Х. Шабадиков ўзининг илмий натижаларида эса аралаш ҳосилалари олдида кичик параметр қатнашадиган псевдогиперболик ва псевдопараболик турдаги ночизиқли дифференциал тенгламалар учун аралаш масалани Фурье қаторлари усулида тадқиқ этди. Т. К. Юлдашев ўзининг илмий ишларида чизиқли ва чизиқсиз юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар учун аралаш масалаларни ўрганди. А. И. Журов, В. Ф. Зайцев ва А. Д. Полянинларнинг математик физика ва механиканинг чизиқсиз дифференциал тенгламаларини ўрганишга бағишланган ишлари мавжуд.

Бугунги кунда Р. Р. Ашуров, С. Умаров, О. С. Зикиров, Д. К. Ҳолиқов, Ж. О. Тахиров ва Р. Н. Тўраевларнинг ишларида турли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар ўрганилган. Эллиптик ва аралаш типдаги дифференциал тенгламалар учун турли чегаравий масалалар Ш. А. Алимов, Ю. П. Апаков, Р. Р. Ашуров, А. С. Бердышев, Б. Ж. Кадиркулов, Т. Д. Джураев, М. Мамажанов, А. Сопуев, Б. И. Исломов, О. Х. Абдуллаев, Г. Б. Умаров, М. Мирсабуров, И. Н. Хайруллаев, У. Э. Бобомуродов, С. Т. Чориев, Ж. Худжаев, М. Х. Рузиев, М. С. Салахитдинов, А. Хасанов, А. К. Уринов, К. Т. Каримов, А. О. Маманазаров, Ш. Т. Нишонов, А. В. Юлдашева каби олимларнинг ишларида ўрганилган. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тескари масалалар назарияси янги ва муҳим соҳа сифатида жуда тез ривожланмоқда. Бунга Ш. А. Алимов, Р. Р. Ашуров, М. С. Салахитдинов, А. С. Бердишев, С. З. Джамалов, Б. И. Исломов, У. Ш. Убайдуллаев ва бошқаларнинг ишларини келтириш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек-Исроил қўшма факультети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар учун нолокал тўғри ва тескари масалаларнинг конструктив ечимини қуришдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари ушбу ишда қуйидагилардан иборат:

бир жинсли юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал ва аралаш турдаги тенгламалар учун янги чегаравий масалаларни бир қийматли ечилиши учун етарли бўлган шартларни топиш ва масалалар ечимини Фурье қатори кўринишида қуриш;

параметрларнинг регуляр қийматларида юқори тартибли ҳамда айниган ядроли хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар учун аралаш тўғри ва тескари масалаларнинг бир қийматли ечилиши учун етарли бўлган шартларни топиш ва чегаравий масалалар ечимини Фурье қатор кўринишида қуриш;

юқори тартибли кўп ўлчовли хусусий ҳосилали чизиқсиз дифференциал, интегро-дифференциал ва аралаш тенгламалар биринчи марта кўрилган ва улар учун тескари аралаш ва чегаравий масалаларнинг бир қийматли классик ечилиши учун етарли бўлган шартларни топиш.

Тадқиқотнинг объекти. Юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал, интегро-дифференциал ва аралаш тенгламалар.

Тадқиқотнинг предмети. Аралаш, чегаравий ва тескари масалалар. Фурье қатори. Юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси. Айниган ядроли хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация натижаларини ҳал қилишда математик физика назарияси ҳамда интеграл тенгламалар ва тенгсизликлар назарияси, оддий дифференциал тенгламалар назарияси, функционал анализ, функциялар назарияси усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир жинсли юқори тартибли бир фазовий аргументли хусусий ҳосилали дифференциал, интегро-дифференциал ва аралаш тенгламалар учун аралаш ва нолокал чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган;

параметрнинг регуляр қийматларида юқори тартибли икки фазовий аргументли хусусий ҳосилали дифференциал, интегро-дифференциал ва аралаш тенгламалар учун чегаравий ва аралаш тескари масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган;

юқори тартибли хусусий ҳосилали кўп фазовий аргументли чизиқсиз дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар учун тескари масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси шундан иборатки, юқори тартибли хусусий ҳосилали чизиқли ва чизиқсиз дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар хусусиятларидан келиб чиқиб, ечимларни Фурье қатори кўринишида итерацион жараён ёрдамида қурилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масалаларнинг коррект қўйилганлиги, қатъий математик усулларнинг қўлланилганлиги, математик исботларнинг тўла бажарилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти олинган натижалардан юқори тартибли дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар учун сифат назариясини ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни автоматик бошқарув, чизиқсиз механика ва математик физиканинг бир қатор амалий масалаларини ечишда тадбиқ этиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нолокал масалалар бўйича олинган натижалар асосида:

параметрнинг регуляр қийматларида юқори тартибли икки фазовий аргументли хусусий ҳосилали дифференциал, интегро-дифференциал ва аралаш тенгламалар учун чегаравий ва аралаш тескари масалаларнинг бир қийматли ечимидан AP09259137 рақамли «Инволютив алмаштиришли интегро-дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масалаларнинг ечиш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида чизиқли ва чизиқсиз дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларни бир қийматли ечимларини қуришда фойдаланилган (Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги Қозоқ-Турк халқаро университетининг 2022 йил 17 июндаги №04/1674-сонли маълумотномаси, Қозоғистон). Илмий натижанинг қўлланиши инволютив алмаштиришли бир жинсли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечилиши учун етарли бўлган шартларни олишни имконини берган;

юқори тартибли хусусий ҳосилали кўп фазовий аргментли чизиқсиз дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар учун тескари масалаларнинг бир қийматли ечиш усулидан ОТ-Ф-4-(36+32) рақамли «Математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ва уларнинг татбиқлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун аралаш ва чегаравий масалаларни ечишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 13 июлдаги №04/11-4124-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши Штурм-Луивулл чизиқли дифференциал тенгламалари учун чегаравий масалалар ечимларини топишни имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 7 та илмий мақола ва 7 та тезис чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола чоп этилган. Булардан 4 та илмий мақола Scopus базасидаги хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

Талабгор ушбу диссертация ишида масалалар қўйиб бергани ва уни таёрлаш жараёнида берган фойдали маслаҳатлари учун илмий раҳбари Т. К. Юлдашевга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради. Ушбу диссертацион тадқиқотни қўллаб қувватлагани учун устози Ш. Г. Касимовга ҳам ўз миннатдорчилигини билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация биринчи боби тўрт параграфдан иборат. Мазкур бобнинг **биринчи параграфида** кейинги боблар ва параграфларда қўлланиладиган ёрдамчи маълумотлар келтирилган.

Ушбу $\left\{ a(t)=(a_i(t)) \,\middle|\, a_i(t)\in C(\Omega_T)\,,\, i=1,2,... \right\}$ тўпламда иккита элементни қўшиш ва элементни скалярга кўпайтириш аммаллари аниқланган бўлсин. Бу тўплам чизиқли вектор фазодир. Биз вектор фазонинг $\sum\limits_{i=1}^{\infty}\max\limits_{t\in\Omega_T}\left|a_i(t)\right|^2<\infty$ шартни қаноатлантирадиган элемантларини қараймиз. Бундай тўпламни $B_2(T)$ кўринишда белгилаймиз ва нормани қуйидагича киритамиз:

$$\| a(t)\|_{B_2(T)} = \sqrt{\sum_{i=1}^{\infty}\max_{t\in\Omega_T}\left|a_i(t)\right|^2}\,.$$

$B_2(T)$ фазо Банах фазосидир.

Агар берилган $\varphi(x)$ силлиқ функция учун қуйидаги шартлар

$$\varphi_i(0)=\varphi_i(l)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}\varphi_i(0)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}\varphi_i(l)=...=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}\varphi_i(0)=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}\varphi_i(l)=0$$

бажарилса, у ҳолда бу шартларни биз Дирихле типидаги чегаравий шартлар бажарилди деб айтамиз.

Иккинчи параграфда бир фазовий ўлчовли $\Omega=\{(t,x)|\,0<t<T\,,\,0<x<l\}$ соҳада қуйидаги Бенни-Люк типидаги юқори жуфт тартибли дифференциал тенглама

$$D_{t,x}^{2+4k}[U(t,x)]=f(t,x) \qquad (1)$$

учун нолокал чегаравий масаланинг ягона ечилишини ўрганамиз, бу ерда

$$D_{t,x}^{2+4k}=\frac{\partial^2}{\partial t^2}+\frac{\partial^2}{\partial t^2}\left[(-1)^k\frac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}}+\frac{\partial^{4k}}{\partial x^{4k}}\right]+(-1)^{k+1}\omega\cdot w(t)\frac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}},$$

T ва l берилган мусбат сонлар, k фиксирланган мусбат бутун сон, $0<\omega$ параметр, $0<w(t)\in C\,(\Omega_T)$, $f\,(t,x)\in C_{t,x}^{2+4k}(\Omega_T\times\Omega_l)$, $\Omega_T\equiv[0;T]$, $x\in\Omega_l\equiv[0;l]$.

1-масаланинг қўйилиши. Шундай $U\,(t,x)$ функцияни топамизки, бу функция (1) дифференциал тенгламани ҳамда қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

$$U\,(T,x)+\int_0^T U\,(t,x)\,d\,t=\varphi_1(x),\;\; 0\le x\le l, \tag{2}$$

$$U_t\,(T,x)+\int_0^T U_t\,(t,x)\,t\,d\,t=\varphi_2\,(x),\;\; 0\le x\le l, \tag{3}$$

$$u(t,0)=u(t,l)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}u(t,0)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}u(t,l)=...=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}u(t,0)=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}u(t,l)=0, \tag{4}$$

$$U\,(t,x)\in C\,(\bar{\Omega})\cap C_{t,x}^{2,2k}(\Omega)\cap C_{t,x}^{2+4k}(\Omega), \tag{5}$$

бу ерда $\varphi_i(x)\,(i=1,2)$ берилган силлиқ функциялар ва бу функциялар учун Дирихле типидаги чегаравий шартлар бажарилади

$$\varphi_i\,(0)=\varphi_i\,(l)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}\varphi_i\,(0)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}\varphi_i\,(l)=...=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}\varphi_i\,(0)=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}\varphi_i\,(l)=0.$$

Ҳудди шунингдек, $f\,(t,x)$ берилган фукция учун ҳам иккинчи аргумент бўйича қуйидаги Дирихле типидаги чегаравий шартлар бажарилади

$$f\,(t,0)=\;f\,(t,l)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}\,f\,(t,0)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}\,f\,(t,l)=...=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}\,f\,(t,0)=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}\,f\,(t,l)=0.$$

(1)-(5) чегаравий масаланинг нотривиал ечимини қуйидаги Фурье қатори кўринишида қидирамиз

$$U\,(t,x)=\sum_{n=1}^{\infty}u_n\,(t)\,\vartheta_n\,(x),$$

бу ерда $u_n\,(t)=\int_0^l U\,(t,x)\,\vartheta_n\,(x)\;d\,x,\qquad \vartheta_n\,(x)=\sqrt{\frac{2}{l}}\,\sin\frac{\pi\,n}{l}x,\quad n=1,2,\,...$

Биз $f\,(t,x)$ функцияни ҳам Фурье қаторига ёйилади деб оламиз

$$f\,(t,x)=\sum_{n=1}^{\infty}f_n\,(t)\,\vartheta_n\,(x),\quad f_n\,(t)=\int_0^l f\,(t,x)\,\vartheta_n\,(x)\,d\,x.$$

У ҳолда қуйидаги интеграл тенгламаларнинг саноқли системасига келамиз

$$u_n\,(t)=\varphi_{1,n}\,D_0+\varphi_{2,n}\,D_1(t)+D_{2,n}\,(t)+\int_0^T H_n\,(t,s)\,u_n\,(s)\,d\,s, \tag{6}$$

бу ерда $D_0=\dfrac{1}{1+T}$, $D_1(t)=\dfrac{t}{1+T}-\dfrac{2+T}{2(1+T)^2}$,

$$D_{2,n}\,(t)=h_n\,(t)-\frac{1}{1+T}\left[\int_0^T h_n\,(t)\,d\,t+h_n\,(T)\right]-\left(\frac{2+T}{2(1+T)^2}+\frac{t}{1+T}\right)\left[\int_0^T h_n'\,(t)\,t\,d\,t+h_n'\,(T)\right],$$

$$h_n(t)=\int_0^t \frac{f_n(s)(t-s)}{1+\mu_n^{2k}+\mu_n^{4k}}ds,\ \lambda_n=\frac{\mu_n^{2k}}{1+\mu_n^{2k}+\mu_n^{4k}},\quad \mu_n^{4k}=\left(\frac{\pi n}{l}\right)^{4k},$$

$$H_n(t,s)=\begin{cases} H_{1,n}(s), & t\le s\le T,\\ H_{2,n}(t,s), & 0\le s<t,\end{cases}\qquad H_{2,n}(t,s)=H_{1,n}(s)+\lambda_n\omega\cdot(t-s)w(s),$$

$$H_{1,n}(s)=-\frac{\lambda_n\omega}{1+T}\left[\frac{2(T-s)+(T-s)^2}{2}+\left(\frac{2+T}{2(1+T)}+s\right)(T-s+1)\right]w(s).$$

(6) формуладан фойдаланиб, (1)-(5) масаланинг формал ечимини Фурье қатори кўринишида ҳосил қиламиз:

$$U(t,x)=\sum_{n=1}^{\infty}\vartheta_n(x)\left[\varphi_{1,n}D_0+\varphi_{2,n}D_1(t)+D_{2,n}(t)+\int_0^T H_n(t,s)u_n(s)ds\right]. \tag{7}$$

Фараз қилайлик, (1) тенгламада $f(t,x)=\alpha(t)\beta(x)$ ўринли бўлсин. У ҳолда $D_{2,n}(t)$ қуйидаги кўринишга келади

$$D_{2,n}(t)=\beta_n\bar{D}_{2,n}(t)=\bar{h}_n(t)-\frac{1}{1+T}\left[\int_0^T\bar{h}_n(t)dt+\bar{h}_n(T)\right]-\left(\frac{2+T}{2(1+T)^2}+\frac{t}{1+T}\right)\times$$

$$\times\left[\int_0^T\bar{h}'_n(t)t\,dt+\bar{h}'_n(T)\right],\ \bar{h}_n(t)=\int_0^t\frac{\alpha(s)(t-s)}{1+\mu_n^{2k}+\mu_n^{4k}}ds,\ \beta_n=\int_0^l\beta(x)\vartheta_n(x)dx.$$

Интеграл тенгламаларнинг саноқли системаси (6) ва Фурье қатори (7) ларни қуйидагича ёзамиз

$$u_n(t)=I(t;u_n)\equiv\varphi_{1,n}D_0+\varphi_{2,n}D_1(t)+\beta_n\bar{D}_{2,n}(t)+\int_0^T H_n(t,s)u_n(s)ds, \tag{8}$$

$$U(t,x)=\sum_{n=1}^{\infty}\vartheta_n(x)\left[\varphi_{1,n}D_0+\varphi_{2,n}D_1(t)+\beta_n\bar{D}_{2,n}(t)+\int_0^T H_n(t,s)u_n(s)ds\right]. \tag{9}$$

(8) интеграл тенгламларнинг саноқли системасидаги силлиқ функциялар $\bar{D}_{2,n}(t)$, $H_n(t,s)$ учун қуйидаги шартлар бажарилсин:

$$C_1=\max\left\{\|\bar{D}_2(t)\|_{B_2(T)};\ \|\bar{D}''_2(t)\|_{B_2(T)}\right\}<\infty, \tag{10}$$

$$C_2=\max\left\{\int_0^T\|H(t,s)\|_{B_2(T)}ds;\ \int_0^T\|H''(t,s)\|_{B_2(T)}ds\right\}<\infty, \tag{11}$$

$$C_3=\max\left\{\int_0^T\|H_3(t,s)\|_{B_2(T)}ds;\ \int_0^T\|H''_3(t,s)\|_{B_2(T)}ds\right\}<\infty, \tag{12}$$

$$H_{3,n}(t,s)=n^{4k}H_n(t,s).$$

Силлиқлик шартлари. $\varphi_i(x),\ \beta(x)\in C^{4k}(\Omega_l),\ i=1,2$ функциялар Ω_l соҳада $4k+1$ марта бўлакли узлуксиз ҳосилаларга эга бўлсин.

1-теорема. $C_2<1$, (10)-(12) *ва силлиқлик шартлари бажарилсин. У ҳолда* $B_2(T)$ *фазода* (8) *саноқли система ягона ечимга эга. Ечимни қуйидаги итерацион жараён ёрдамида қуриш мумкин:*

$$u_n^0(t)=\varphi_{1,n}D_0+\varphi_{2,n}D_1(t)+\beta_n\bar{D}_{2,n}(t),\quad u_n^{p+1}(t)=I(t;u_n^p),\ p=0,1,2,...$$

2-Теорема. *Биринчи теорема шартлари бажарилсин. У ҳолда* $U(t,x)$ *номаълум функция* (9) *Фурье қаторидан аниқланади.* (9) *функция* (5) *синфга тегишли бўлади.*

Учинчи параграфда эса юқори жуфт тартибли хусусий ҳосилали Бенни-Люк типидаги интегро-дифференциал тенглама учун аралаш масаланинг классик ечимини излаймиз. $\Omega=\{(t,x)|\,0<t<T\,,\,0<x<l\}$ соҳада қуйидаги тенгламани қараймиз

$$D_{t,x}^{2+4k}U(t,x)=\nu\int_0^T K(t,s)U(s,x)\,ds+\alpha(t)\beta(x), \qquad (13)$$

бу ерда $D_{t,x}^{2+4k}=\dfrac{\partial^2}{\partial t^2}+\dfrac{\partial^2}{\partial t^2}\left[(-1)^k\dfrac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}}+\dfrac{\partial^{4k}}{\partial x^{4k}}\right]+(-1)^{k+1}\omega\cdot w(t)\dfrac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}}$,

$0\neq K(t,s)=\sum\limits_{i=1}^{p}a_i(t)b_i(s)$, $a_i(t),\,b_i(s)\in C[0;T]$. Бу ерда $a_i(t),\ i=\overline{1,p}$ функциялар системаси ва $b_i(s),\ i=\overline{1,p}$ функциялар системаси чизиқли боғлиқ эмас. $\beta(x)$ фукция учун Дирихле типидаги чегаравий шартлар бажарилади.

2-масаланинг қўйилиши. Шундай $U(t,x)$ функцияни топамизки, бу функция (13) интегро-дифференциал тенгламани ҳамда қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

$$U(T,x)=\varphi_1(x),\qquad U_t(T,x)=\varphi_2(x),\quad 0\le x\le l,$$

$$u(t,0)=u(t,l)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}u(t,0)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}u(t,l)=\ldots=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}u(t,0)=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}u(t,l)=0,$$

$$U(t,x)\in C(\bar\Omega)\cap C_{t,x}^{2,2k}(\Omega)\cap C_{t,x}^{2+4k}(\Omega),$$

бу ерда $\varphi_i(x)\,(i=1,2)$ берилган силлиқ функциялар ва бу функциялар учун Дирихле типидаги чегаравий шартлар бажарилади. Ушбу масала аввалги параграфдаги масала сингари ўрганаилади.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфида берилган $\Omega=\{(t,x)|\,-T<t<T\,,\,0<x<l\}$ соҳада

$$\begin{cases}\left[\dfrac{\partial}{\partial t}+(-1)^k\dfrac{\partial^{2k+1}}{\partial t\,\partial x^{2k}}+\dfrac{\partial^{4k}}{\partial x^{4k}}\right]U(t,x)=a_1(t)b_1(x), & t>0,\\[2ex] \left[\dfrac{\partial^2}{\partial t^2}+(-1)^k\dfrac{\partial^{2k+2}}{\partial t^2\,\partial x^{2k}}+\omega^2\dfrac{\partial^{4k}}{\partial x^{4k}}\right]U(t,x)=a_2(t)b_2(x), & t<0\end{cases} \qquad (14)$$

кўринишдаги аралаш типдаги юқори тартибли дифференциал тенгламани қараймиз, бу ерда $a_1(t)\in C[0;T]$, $a_2(t)\in C[-T;0]$, $b_i(x)\in C\left(\Omega_l\right)$, $i=1,2$, $\Omega_l\equiv[0;l]$.

3-масаланинг қўйилиши. Берилган Ω соҳада шундай номаълум функция $U(t,x)$ ни топамизки, бу функция ушбу

$$U(t,x)\in C(\bar\Omega)\cap C^1(\Omega)\cap C^{1,4k}(\Omega_+)\cap C^{2,4k}(\Omega_-)\cap C_{t,x}^{1+2k}(\Omega_+)\cap C_{t,x}^{2+2k}(\Omega_-) \qquad (15)$$

синфда (14) аралаш дифференциал тенгламани ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирсин:

$$\int_{-T}^{0} U(t,x)\,dt = \varphi(x),\ 0 \le x \le l, \qquad (16)$$

$$U(t,0) = U(t,l) = \frac{\partial^2}{\partial x^2}U(t,0) = \frac{\partial^2}{\partial x^2}U(t,l) = ... = \frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{2k-2}}U(t,0) = \frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{2k-2}}U(t,l) = 0, \qquad (17)$$

бу ерда $\varphi(x)$ берилган силлиқ функция, $\Omega_- = \{(t,x)|\ -T < t < 0,\ 0 < x < l\}$, $\Omega_+ = \{(t,x)|\ 0 < t < T,\ 0 < x < l\}$, $\bar{\Omega} = \{(t,x)|\ -T \le t \le T,\ 0 \le x \le l\}$.

Бундан ташқари, $\varphi(x)$ функция учун Дирихле типидаги чегаравий шартлар бажарилсин деб оламиз.

(15)-(17) масала ечимининг тегишлилик синфидан келиб чиқадики, изланаётган ечимлар учун ушбу узлуксиз улаш шартлари бажарилади $U(0+0,x) = U(0-0,x)$, $U_t(0+0,x) = U_t(0-0,x)$. У ҳолда ечимларнинг қуйидаги ифодаларига эга бўламиз:

$$u_n(t,\omega) = \varphi_n M_{11,n}(t,\omega) + b_{1,n} M_{12,n}(t) + b_{2,n} M_{13,n}(t,\omega),\ t > 0, \qquad (18)$$

$$u_n(t,\omega) = \varphi_n M_{21,n}(t,\omega) + b_{2,n} M_{22,n}(t,\omega),\ t < 0, \qquad (19)$$

бу ерда $M_{11,n}(t,\omega) = \dfrac{\lambda_n^k \omega^2}{\sigma_{0,n}(\omega)}\theta_{1,n}(t),\ M_{12,n}(t) = h_{1,n}(t),\ \theta_{1,n}(t) = \exp\left\{-\lambda_n^{2k} t\right\}$,

$$\theta_{2,n}(t,\omega) = \cos\lambda_n^k \omega t - \frac{\lambda_n^k}{\omega}\sin\lambda_n^k \omega t,\ M_{13,n}(t,\omega) = -M_{11,n}(t,\omega)\int_{-T}^{0} h_{2,n}(t,\omega)\,dt,$$

$$M_{21,n}(t,\omega) = \frac{\lambda_n^k \omega^2}{\sigma_{0,n}(\omega)}\theta_{2,n}(t,\omega),\ M_{22,n}(t,\omega) = h_{2,n}(t,\omega) - M_{21,n}(t,\omega)\int_{-T}^{0} h_{2,n}(t,\omega)\,dt,$$

$$h_{1,n}(t) = \int_0^t \exp\left\{-\lambda_n^{2k}(t-s)\right\} a_1(s)\,ds,\ h_{2,n}(t) = \frac{1}{\lambda_n^k \omega}\int_0^t \sin\lambda_n^k \omega(t-s)\, a_2(s)\,ds,$$

Қуйидаги шарт бажарилиши талаб қилинади

$$\sigma_{0,n}(\omega) = \omega\sin\lambda_n^k \omega T + \lambda_n^k - \lambda_n^k \cos\lambda_n^k \omega T \ne 0,\ \lambda_n^{2k} = \frac{\mu_n^{4k}}{1+\mu_n^{2k}},\ \mu_n^{2k} = \left(\frac{\pi n}{l}\right)^{2k}. \qquad (20)$$

ω параметрнинг $\left|\sigma_{0,n}(\omega)\right| > 0$ шартни бажарувчи регуляр қийматларини қараймиз. Ечимларнинг (18) ва (19) ифодаларини Фурье қаторига қўйиб, (15)-(17) масаланинг формал ечимини ҳосил қиламиз:

$$U(t,x,\omega) = \sum_{n=1}^{\infty} \vartheta_n(x)\left[\varphi_n M_{11,n}(t,\omega) + b_{1,n} M_{12,n}(t) + b_{2,n} M_{13,n}(t,\omega)\right],\ t > 0, \qquad (21)$$

$$U(t,x,\omega) = \sum_{n=1}^{\infty} \vartheta_n(x)\left[\varphi_n M_{21,n}(t,\omega) + b_{2,n} M_{22,n}(t,\omega)\right],\ t < 0. \qquad (22)$$

Силлиқлик шарти. $\varphi(x), b_i(x) \in C^{2k}(\Omega_l)$ функциялар Ω_l соҳада $2k+1$ марта бўлакли узлуксиз ҳосилаларга эга бўлсин.

1-лемма. (20) *шарт, силлиқлик шартлари, ҳамда қуйидаги шартлар*

$$C_1 = \max\left\{\sup_{n\in N}\max_{\substack{0\le t\le T\\ i=1,2,3}}\left|M_{1i,n}(t,\omega)\right|; \sup_{n\in N}\max_{\substack{0\le t\le T\\ i=1,2,3}}\left|M''_{1i,n}(t,\omega)\right|\right\} < \infty;$$

$$C_2 = \max\left\{\sup_{n\in N}\max_{\substack{0\le t\le T\\ j=1,2}}\left|M_{2j,n}(t,\omega)\right|; \sup_{n\in N}\max_{\substack{0\le t\le T\\ j=1,2}}\left|M''_{2j,n}(t,\omega)\right|\right\} < \infty$$

бажарилсин. У ҳолда ω *параметрнинг регуляр қийматлари учун* (21) *ва* (22) *қаторлар абсолют ва текис яқинлашади. Бундан ташқари, бу қаторлар* (15) *синфга тегишли бўлади.*

3-теорема. *Айтайлик, биринчи* 1-*лемма шартлари бажарилсин. У ҳолда* ω *параметрнинг регуляр қийматларида* (14)-(17) *чегаравий масала учун* Ω *соҳада берилган* (15) *синфга тегишли ягона ечим мавжуд.*

Иккинчи бобда икки ўзгарувчили фазовий соҳада дифференциал, интегро-дифференциал ва аралаш типдаги тенгламалар учун чизиқли тескари масалалар кўриб чиқилади.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида икки фазовий ўлчовли $\Omega = \{(t,x,y) \mid 0 < t < T,\ 0 < x, y < l\}$ соҳада қуйидаги дифференциал тенглама учун нолокал чегаравий масаланинг классик ечимини излаймиз:

$$D_{t,x,y}^{2+4k+4k}[U(t,x,y)] = \alpha(t)\,\beta(x,y), \qquad (23)$$

бу ерда

$$D_{t,x,y}^{2+4k+4k} = \frac{\partial^2}{\partial t^2} + \frac{\partial^2}{\partial t^2}\left[(-1)^k\left(\frac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}} + \frac{\partial^{2k}}{\partial y^{2k}}\right) + \left(\frac{\partial^{4k}}{\partial x^{4k}} + \frac{\partial^{4k}}{\partial y^{4k}}\right)\right] + (-1)^{k+1}\omega\cdot w(t)\left(\frac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}} + \frac{\partial^{2k}}{\partial y^{2k}}\right),$$

$0 < w(t),\ \alpha(t) \in C(\Omega_T)$, $\Omega_T \equiv [0;T]$, $(x,y) \in \Omega_l^2 \equiv [0;l]^2$, $\beta(x,y) \in C(\Omega_l^2)$ эса қайта аниқланучи функция.

4-масаланинг қўйилиши. Шундай $\{U(t,x,y);\ \beta(x,y)\}$ функциялар жуфтлигини топамизки, бу жуфтликдаги биринчи функция (23) дифференциал тенгламани ҳамда қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:

$$U(T,x,y) + \int_0^T U(t,x,y)\,dt = \varphi_1(x,y), \quad 0 \le x, y \le l, \qquad (24)$$

$$U_t(T,x,y) + \int_0^T U_t(t,x,y)\,t\,dt = \varphi_2(x,y), \quad 0 \le x, y \le l, \qquad (25)$$

$$u(t,0,y) = u(t,l,y) = u(t,x,0) = u(t,x,l) =$$

$$= \frac{\partial^2}{\partial x^2}u(t,0,y) = \frac{\partial^2}{\partial x^2}u(t,l,y) = \frac{\partial^2}{\partial x^2}u(t,x,0) = \frac{\partial^2}{\partial x^2}u(t,x,l) =$$

$$= \frac{\partial^2}{\partial y^2}u(t,0,y) = \frac{\partial^2}{\partial y^2}u(t,l,y) = \frac{\partial^2}{\partial y^2}u(t,x,0) = \frac{\partial^2}{\partial y^2}u(t,x,l) =$$

$$= \ldots = \frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}u(t,0,y) = \frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}u(t,l,y) = \frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}u(t,x,0) = \frac{\partial^{4k-2}}{\partial x^{4k-2}}u(t,x,l) =$$

$$=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial y^{4k-2}}u(t,0,y)=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial y^{4k-2}}u(t,l,y)=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial y^{4k-2}}u(t,x,0)=\frac{\partial^{4k-2}}{\partial y^{4k-2}}u(t,x,l)=0, \quad (26)$$

$$U(t,x,y)\in C(\bar{\Omega})\cap C_{t,x,y}^{2,2k,2k}(\Omega)\cap C_{t,x,y}^{2+4k+0}(\Omega)\cap C_{t,x,y}^{2+0+4k}(\Omega), \quad (27)$$

$$U(t_0,x,y)=\psi(x,y),\ \ 0<t_0<T, \quad 0\le x,y\le l, \quad (28)$$

бу ерда $\varphi_i(x,y)(i=1,2)$, $\psi(x,y)$ берилган силлиқ функциялар ва улар иккала аргументи бўйича ҳам Дирихле типидаги чегаравий шартларни қаноатлантиради. Шунингдек, $\beta(x,y)$ фукция учун ҳам иккала аргументи бўйича Дирихле типидаги чегаравий шарт бажарилади деб оламиз.

Берилган тенгламанинг нотривиал ечимларини қуйидаги Фурье қатори кўринишида қидирамиз

$$U(t,x,y)=\sum_{n,m=1}^{\infty}u_{n,m}(t)\vartheta_{n,m}(x,y),\ \ u_{n,m}(t)=\int_0^l\int_0^l U(t,x,y)\vartheta_{n,m}(x,y)\,dx\,dy,$$

бу ерда $\vartheta_{n,m}(x,y)=\frac{2}{l}\sin\frac{\pi n}{l}x\sin\frac{\pi m}{l}y,\ \ n,m=1,2,\ldots$ Биз $\beta(x,y)$ функцияни ҳам Фурье қаторига ёйилади деб оламиз

$$\beta(x,y)=\sum_{n,m=1}^{\infty}\beta_{n,m}\vartheta_{n,m}(x,y),\ \ \beta_{n,m}=\int_0^l\int_0^l\beta(x,y)\vartheta_{n,m}(x,y)\,dx\,dy.$$

У ҳолда берилган тенглама (23) дан қуйидаги интеграл тенгламаларнинг саноқли системасига келамиз

$$u_{n,m}(t)=\varphi_{1,n,m}D_0+\varphi_{2,n,m}D_1(t)+\beta_{n,m}D_{2,n,m}(t)+\int_0^T H_{n,m}(t,s)u_{n,m}(s)\,ds, \quad (29)$$

бу ерда $D_0=\frac{1}{1+T}$, $D_1(t)=\frac{t}{1+T}-\frac{2+T}{2(1+T)^2}$,

$$D_{2,n,m}(t)=h_{n,m}(t)-\frac{1}{1+T}\left[\int_0^T h_{n,m}(t)\,dt+h_{n,m}(T)\right]-\left(\frac{2+T}{2(1+T)^2}+\frac{t}{1+T}\right)\times$$

$$\times\left[\int_0^T h'_{n,m}(t)\,t\,dt+h'_{n,m}(T)\right],\ H_{n,m}(t,s)=\begin{cases}H_{1,n,m}(s), & t\le s\le T,\\ H_{2,n,m}(t,s), & 0\le s<t,\end{cases}$$

$$h_{n,m}(t)=\int_0^t\frac{\alpha(s)(t-s)}{1+\mu_{n,m}^{2k}+\mu_{n,m}^{4k}}\,ds,\ \lambda_{n,m}=\frac{\mu_{n,m}^{2k}}{1+\mu_{n,m}^{2k}+\mu_{n,m}^{4k}},\quad \mu_{n,m}^{2k}=\left(\frac{\pi}{l}\right)^{2k}\left(n^{2k}+m^{2k}\right),$$

$$H_{1,n,m}(s)=-\frac{\lambda_{n,m}\omega}{1+T}\left[\frac{2(T-s)+(T-s)^2}{2}+\left(\frac{2+T}{2(1+T)}+s\right)(T-s+1)\right]w(s),$$

$$H_{2,n,m}(t,s)=H_{1,n,m}(s)+\mu_{n,m}^{2k}\omega\cdot(t-s)\,w(s).$$

(29) дан фойдаланиб, ассосий номаълум функция учун Фурье қаторини оламиз

$$U(t,x,y)=\sum_{n,m=1}^{\infty}\vartheta_{n,m}(x,y)\Big[\varphi_{1,n,m}D_0+\varphi_{2,n,m}D_1(t)+$$

$$+\beta_{n,m}D_{2,n,m}(t)+\int_0^T H_{n,m}(t,s)u_{n,m}(s)\,ds\Big]. \quad (30)$$

(28) қўшимча шартдан фойдаланиб, (30) Фурье қаторидан қуйидаги саноқли системани ҳосил қиламиз

$$\beta_{n,m}=\psi_{n,m}\,\chi_{1,n,m}+\varphi_{1,n,m}\,\chi_{2,n,m}+\varphi_{2,n,m}\,\chi_{3,n,m}-\int\limits_0^T \bar{H}_{n,m}(t_0,s)u_{n,m}(s)\,ds, \qquad (31)$$

бу ерда $\chi_{1,n,m}=\dfrac{1}{D_{2,n,m}(t_0)},\ \chi_{2,n,m}=-\dfrac{D_0}{D_{2,n,m}(t_0)},\ \chi_{3,n,m}=-\dfrac{D_1(t_0)}{D_{2,n,m}(t_0)},$

$$D_{2,n,m}(t_0)\neq 0,\ \ \bar{H}_{n,m}(t_0,s)=\frac{H_{n,m}(t_0,s)}{D_{2,n,m}(t_0)},\ \ \psi_{n,m}=\int\limits_0^l\int\limits_0^l \psi(x,y)\vartheta_{n,m}(x,y)\,dx\,dy.$$

(31) формуладан фойдаланиб, $\beta(x,y)$ функция учун қуйидаги Фурье қаторини ҳосил қиламиз

$$\beta(x,y)=\sum_{n,m=1}^{\infty}\vartheta_{n,m}(x,y)\Big[\psi_{n,m}\,\chi_{1,n,m}+\varphi_{1,n,m}\,\chi_{2,n,m}+\varphi_{2,n,m}\,\chi_{3,n,m}-$$

$$-\int\limits_0^T \bar{H}_{n,m}(t_0,s)u_{n,m}(s)\,ds\Big]. \qquad (32)$$

(29) формулага (31) формулани қўйсак, қуйидаги интеграл тенгламаларнинг саноқли системасига келамиз

$$u_{n,m}(t)=I(t;u_{n,m})\equiv\psi_{n,m}E_{1,n,m}(t)+\varphi_{1,n,m}E_{2,n,m}(t)+\varphi_{2,n,m}E_{3,n,m}(t)+$$

$$+\int\limits_0^T H_{3,n,m}(t,s)u_{n,m}(s)\,ds, \qquad (33)$$

бу ерда $E_{1,n,m}(t)=\chi_{1,n,m}D_{2,n,m}(t),\ E_{2,n,m}(t)=D_0+\chi_{2,n,m}D_{2,n,m}(t),$

$$E_{3,n,m}(t)=D_1(t)+\chi_{3,n,m}D_{2,n,m}(t),\ H_{3,n,m}(t,s)=H_{n,m}(t,s)-D_{2,n,m}(t)\bar{H}_{n,m}(t_0,s).$$

(33) интеграл тенгламларнинг саноқли системасидаги силлиқ функциялар $E_{i,n,m}(t)\ (i=1,2,3),\ H_{1,n,m}(t,s)$ учун қуйидаги шартлар бажарилсин:

$$C_1=\max\left\{\max_{i=1,2,3}\max_{0\le t\le T}\sup_{n,m}\left|E_{i,n,m}(t)\right|;\ \max_{i=1,2,3}\max_{0\le t\le T}\sup_{n,m}\left|E''_{i,n,m}(t)\right|\right\}<\infty, \qquad (34)$$

$$C_2=\max\left\{\int\limits_0^T\left\|H_3(t,s)\right\|_{B_2(T)}ds;\ \int\limits_0^T\left\|H''_3(t,s)\right\|_{B_2(T)}ds\right\}<\infty, \qquad (35)$$

$$C_3=\max\left\{\int\limits_0^T\left\|H_4(t,s)\right\|_{B_2(T)}ds;\ \int\limits_0^T\left\|H''_4(t_0,s)\right\|_{B_2(T)}ds\right\}<\infty, \qquad (36)$$

$$C_4=\max\left\{\int\limits_0^T\left\|H_5(t,s)\right\|_{B_2(T)}ds;\ \int\limits_0^T\left\|H''_5(t_0,s)\right\|_{B_2(T)}ds\right\}<\infty, \qquad (37)$$

бу ерда

$$H_{4,n,m}(t,s)=n^{4k}H_{3,n,m}(t,s),\ H_{5,n,m}(t,s)=m^{4k}H_{3,n,m}(t,s).$$

Силлиқлик шартлари. $\varphi_i(x,y),\ \psi(x,y),\ i=1,2$ функциялар Ω_l^2 соҳада $8k+2$ марта бўлакли узлуксиз ҳосилаларга эга бўлсин.

5-теорема. $C_2<1$ *ва* (34)-(37) *силлиқлик шартлари бажарилсин. У ҳолда* $B_2(T)$ *фазода* (33) *саноқли система ягона ечимга эга. Ечимни қуйидаги итерацион жараён ёрдамида топиш мумкин:*

$$\begin{cases} u_{n,m}^{0}(t) = \psi_{n,m} E_{1,n,m}(t) + \varphi_{1,n,m} E_{2,n,m}(t) + \varphi_{2,n,m} E_{3,n,m}(t), \\ u_{n,m}^{p+1}(t) = I_1(t; u_{n,m}^{p}), \;\; p = 0,1,2,... \end{cases}$$

6-теорема. *Бешинчи теореманинг барча шартлари бажарилсин. У ҳолда* (32) *қатор абсолют ва текис яқинлашади.*

Шундай қилиб (32) Фурье қатор кўринишидаги қайта аниқланувчи функция маълум. (33) формуладан фойдаланиб, (31) қаторни қуйидагича ёзиб оламиз

$$U(t,x,y) = \sum_{n,m=1}^{\infty} \vartheta_{n,m}(x,y) \Big[\psi_{n,m} E_{1,n,m}(t) + \varphi_{1,n,m} E_{2,n,m}(t) +$$

$$+ \varphi_{2,n,m} E_{3,n,m}(t) + \int_0^T H_{3,n,m}(t,s) u_{n,m}(s)\, d\, s \Big]. \tag{38}$$

7-теорема. *Бешинчи теореманинг барча шартлари бажарилсин. У ҳолда* $U(t,x,y)$ *функция* (38) *Фурье қатори кўринишда аниқланади. Шунингдек,* (38) *функция* (27) *синфга тегишли бўлади.*

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида эса худди юқоридаги параграфга ўхшаш икки фазовий ўлчовли $\Omega = \{(t,x,y) \,|\, 0 < t < T,\ 0 < x, y < l\}$ соҳада қуйидаги айниган ядроли интегро-дифференциал тенглама учун тескари аралаш масаланинг классик ечими ўрганилади:

$$D_{t,x,y}^{2+4k+4k} U(t,x,y) = \nu \int_0^T K(t,s) U(s,x,y)\, d\, s + \alpha(t) \beta(x,y), \tag{39}$$

бу ерда

$$D_{t,x,y}^{2+4k+4k} = \frac{\partial^2}{\partial t^2} + \frac{\partial^2}{\partial t^2} \left[(-1)^k \left(\frac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}} + \frac{\partial^{2k}}{\partial y^{2k}} \right) + \left(\frac{\partial^{4k}}{\partial x^{4k}} + \frac{\partial^{4k}}{\partial y^{4k}} \right) \right] + (-1)^{k+1} \omega \cdot w(t) \left(\frac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}} + \frac{\partial^{2k}}{\partial y^{2k}} \right),$$

$0 \neq K(t,s) = \sum_{i=1}^{p} a_i(t) b_i(s)$, $\quad a_i(t), b_i(s) \in C[0;T]$. Бу ерда $a_i(t),\ i = \overline{1,p}$ функциялар системаси ва $b_i(s),\ i = \overline{1,p}$ функциялар системаси чизиқли боғлиқ эмас. $\beta(x,y)$ қайта аниқланувчи фукция учун иккала аргументи бўйича ҳам Дирихле типидаги чегаравий шартлар бажарилади деб оламиз.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида $\Omega = \{(t,x,y) \,|\, -T < t < T,\ 0 < x, y < l\}$ соҳада ушбу

$$\begin{cases} \left[\frac{\partial}{\partial t} + (-1)^k \frac{\partial}{\partial t} \left(\frac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}} + \frac{\partial^{2k}}{\partial y^{2k}} \right) + \left(\frac{\partial^{4k}}{\partial x^{4k}} + \frac{\partial^{4k}}{\partial y^{4k}} \right) \right] U(t,x,y) = \\ = a_1(t) b_1(x,y), \quad t > 0, \\ \left[\frac{\partial^2}{\partial t^2} + (-1)^k \frac{\partial^2}{\partial t^2} \left(\frac{\partial^{2k}}{\partial x^{2k}} + \frac{\partial^{2k}}{\partial y^{2k}} \right) + \omega^2 \left(\frac{\partial^{4k}}{\partial x^{4k}} + \frac{\partial^{4k}}{\partial y^{4k}} \right) \right] U(t,x,y) = \\ = a_2(t) b_2(x,y), \quad t < 0, \end{cases} \tag{40}$$

аралаш типдаги юқори тартибли дифференциал тенгламани қараймиз, бу ерда $a_1(t)\in C\,[0;T],\ a_2(t)\in C\,[-T;0],\qquad b_i\,(x)\in C\left(\Omega_l^2\right)$ қайта аниқланувчи функциялар, $i=1,2.$

Учинчи боб фазовий кўп ўзгарувчили дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламлалар учун чизиқсиз тескари масалаларга бағишланган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида кўп ўлчовли $\Omega=\{(t,x)|\,0<t<T\,,\,0<x<l\}$ соҳада қуйидаги юқори жуфт тартибли дифференциал тенглама учун нолокал тескари масаланинг классик ечимини излаймиз

$$\left[\frac{\partial^2}{\partial t^2}+\frac{\partial^2}{\partial t^2}\sum_{i=1}^{m}\left((-1)^k\frac{\partial^{2k}}{\partial x_i^{2k}}+\frac{\partial^{4k}}{\partial x_i^{4k}}\right)+(-1)^{k+1}\omega\cdot w(t)\sum_{i=1}^{m}\frac{\partial^{2k}}{\partial x_i^{2k}}\right]U\,(t,x)=$$

$$=\alpha\,(t)\left[\beta(x)+f\left(x,\int\limits_{\Omega_l^m}\Theta(y,\beta(y))\,d\,y\right)\right],\tag{41}$$

$0<w(t)\in C\ (\Omega_T),\ 0\neq\alpha\,(t)\in C\ (\Omega_T)\qquad f\,(t,\beta)\in C_x^{4k}(\Omega_l^m\times R),\ \int\limits_{\Omega_l^m}\left|\Theta(x,\beta(x))\right|dx<\infty,$

$\Theta(x,\beta)\in C(\Omega_l^m\times R),\quad x\in\Omega_l^m\equiv[0;l]^m,\ \ \beta(x)\in C(\Omega_l^m)$ қайта аниқланувчи функция. $\beta(x),\ f\,(x,\cdot)$ функциялар учун Дирихле типидаги чегаравий шартлар бажарилади деб оламиз.

